



“ 25 ” декабрь 2017.у № 5

**Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш
бўйича услубий низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг статистик танланма кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш услубиятини янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор 2018 йил 1 январдан кучга киради.

Раис



Б.Бегалов

**Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари танланма
кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
услубий низом**

Мазкур услубий низом дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари (юридик шахс ташкил этган ва юридик шахс ташкил этмаган), уларнинг қишлоқ хўжалиги фаолияти статистик кузатувини ташкил этиш учун танлов жамланмасини шакллантириш тартибини, танланма маълумотларни мақсадли жамланмага тарқатиш ҳамда кузатув натижаларини Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича тегишли йилнинг I ва III чорак яқунлари учун ҳисоб-китобларида қўллаш механизмини ўз ичига олган комплекс ҳужжат ҳисобланади.

Услубий низом ер майдонлари ўлчамлари, чорва моллари ва паррандалар бош сони, натура кўринишида дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари, дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш учун тезкор маълумотларни йиғиш механизмини белгилайди.

Кузатувларни ўтказиш механизми танланма кузатувлар (кейинги ўринларда кузатув деб аталади)ни ташкил этиш ва ўтказиш бошқичларига мос келувчи кетма-кетликда ифодаланган ва давлат статистика органлари томонидан тегишли ҳисобот даврида дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини берувчи ҳаққоний статистик маълумотларни олиш учун мўлжалланган.

Мазкур услубий низомни ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикасининг ердан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан, шунингдек БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) тавсияларидан ва МДХ давлатларининг тажрибаларидан фойдаланилган.

Кузатувларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 11 - моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури қонуний асос бўлиб ҳисобланади.

I. Умумий қоидалар

1. Кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш республика ҳамда ҳудудлар миқёсида амалга оширилади.

2. Кузатув йилда 2 марта, март ва сентябрь ойларида республиканинг барча ҳудудларида Давлат статистика ишлари дастурига ва Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига асосан ўтказилади.

3. Кузатув 1-DХК “Юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиги фаолиятини танлама кузатув сўровномаси” ва 2-DХК “Юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжалиги фаолиятини танлама кузатув сўровномаси” шаклларида фойдаланган ҳолда хўжаликлар бошлиқлари ёки аъзоларидан бевосита сўраш (интервью олиш)га асосланади ва танлаб олинган хўжаликларнинг унда ихтиёрий қатнашиши асосида амалга оширилади.

4. Сўровномаларни тўлдириш, кузатув даврида бевосита давлат статистика органлари мутахассислари томонидан амалга оширилади.

II. Танлов жамланмасини шакллантириш

5. Кузатув бирлиги бўлиб, юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликлари ва юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари ҳисобланади.

Зарур ҳаққоний даражада танловни шакллантириш мақсадида танловнинг асоси сифатида (мақсадли жамланма) юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликлари ва юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликларининг сонидан фойдаланилади.

Юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари танлов жамланмасини шакллантиришда мақсадли жамланмага фақат фойдаланишида ер майдонларига эга бўлган хўжаликлар қўшилади.

6. Танлов жамланмасини шакллантириш Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади ва ҳудудий статистика органларига етказилади.

7. Юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликлари танлов жамланмасини шакллантириш:

Биринчи босқичда, корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлари асосида, ҳар бир туман (шаҳар) кесимида юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликларининг 1 январь ҳолатига бўлган рўйхати (мақсадли жамланма) шакллантирилади.

Иккинчи босқичда, юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликлари танлов жамланмасини шакллантириш оддий тасодифий танлаш усули билан туман (шаҳар)лар кесимида амалга оширилади.

8. Йиллик танлов жамланмаси, ҳар бир ҳудуд бўйича мақсадли жамланмага қўшилган хўжаликларнинг 20,0 фоизини (март ва сентябрь ойларида 10,0 фоиздан) қамраб олади.

9. Юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари танлов жамланмасини шакллантириш:

Биринчи босқичда, маҳалла фуқаролар йиғинларини танлашда 1 январь ҳолатига бўлган 1-DX shakli «Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари фаолияти тўғрисида ҳисобот» давлат статистика ҳисоботи шакли маълумотларидан фойдаланилади.

Иккинчи босқичда, ҳар бир туман (шаҳар) бўйича биринчи босқичда рўйхатга киритилган маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида хўжаликлар сони аниқланади.

Хўжаликлар сонини аниқлашда 1 январь ҳолатига бўлган 1-DX shakli «Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари фаолияти тўғрисида ҳисобот» давлат статистика ҳисоботи шакли маълумотларидан фойдаланилади.

Учинчи босқичда, танлама кузатувни ўтказиш учун маҳалла фуқаролар йиғинлари биринчи босқичда рўйхатга тушганлари бўйича танланади.

Тўртинчи босқичда, танлама кузатувни ўтказиш учун учинчи босқичда рўйхатга тушган фуқаролар йиғинлари бўйича хўжаликлар сони (танлов жамланмаси) аниқланади.

10. Йиллик танлов жамланмаси, ҳар бир ҳудуд (туман (шаҳар) ва маҳалла фуқаролар йиғини) бўйича иккинчи босқичда мақсадли жамланмага киритилган хўжаликларнинг 0,5 фоизини (март ва сентябрь ойларида 0,25 фоиздан) қамраб олади.

11. Танловга қўшилган ҳар бир юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиги, маҳалла фуқаролар йиғини, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиги йилда фақат бир марта кузатилади яъни, ёки март ёки сентябрь ойида сўров ўтказилади.

12. Кузатув қуйидаги кетма-кетликда ўтказилади:

1-босқич. Тайёргарлик ишлари.

2-босқич. Сўров ўтказиш.

3-босқич. Маълумотларни қайта ишлаш.

III. Тайёргарлик ишлари

13. Давлат статистика қўмитаси томонидан давлат статистика ишлари дастури ва давлат статистика ишлари ишлаб чиқариш дастурида белгиланган муддатларда тайёргарлик тадбирларини ва кузатув мониторингини ўтказиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри статистика бошқармалари томонидан таъминланади.

Тайёргарлик ишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) супервайзерларни тайинлаш - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида;

б) туман (шаҳар) статистика органлари ходимлари ичидан танлаб олинган интервьюерларни қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитиш ва инструктаж бериш:

кузатув мақсади ва вазифаларини тушунтириш;

юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиklarини, маҳалла фуқаролар йиғинларини ва деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarини танлаш тартиби билан таништириш;

юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиklари ва юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги фаолияти кузатувини ўтказиш иш тартибини, кузатув дастури ва маълумотларни йиғиш тартибини ўрганиш.

в) кузатиладиган хўжалиklar бўйича маълумотлар йиғишни режалаштириш.

14. Маълумотлар йиғишни режалаштириш (ташрифни режалаштириш), интервьюерлар томонидан тегишли юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиги, маҳалла фуқаролар йиғини ва деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиги билан келишув бўйича амалга оширилади, бунда юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиги, маҳалла фуқаролар йиғини ва деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиги бошлиғи мазкур кузатувнинг мақсади, вазифалари ва мазкур юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиги, фуқаролар йиғини ва деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиги кузатув танлови режасига тушганлиги тўғрисида хабардор қилинади ва унга асосан Ташриф режаси тайёрланади.

Ҳар бир ташриф даври учун Ташриф режаси супервайзер билан келишилади ва туман (шаҳар) статистика бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади.

IV. Сўров ўтказиш

15. Сўров туман (шаҳар)даги юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиklари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarининг белгиланган сони бўйича ўтказилади.

Интервьюер хўжаликка борганда, саволларга жавоб олиш учун респондентни (у хўжалик бошлиғи ёки улар сабабли равишда жойида бўлмаганларида хўжаликни яхши биладиган аъзоси бўлиши мумкин) аниқлаб олади.

Респондентнинг кузатувда иштирок этишга розилигини олганидан сўнг, интервьюер сўров ўтказишга киришади.

Сўров ўтказаетган интервьюер, 1-DХК “Юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиги фаолиятини танлама кузатув сўровномаси” ва 2-DХК “Юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжалиги фаолиятини танлама кузатув сўровномаси” шаклини кузатилаётган хўжаликнинг ўзида туриб тўлдириши ва текшириши зарур. Хўжаликнинг розилигисиз ёзувларга ҳар қандай тузатиш ва ўзгартириш киритиш таъқиқланади.

Респондент сўровда иштирок этишни рад этган ҳолларда танловга тушган хўжаликни алмаштириш мумкин, чунки олинган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончилиги сўровнома саволларига берилган жавобларнинг самимийлиги ҳамда аниқлилик даражасига боғлиқ. Хўжалик алмаштирилаётганда, имкон қадар алмаштирилаётган хўжаликка ўхшаш катталиқдаги ёки унга деярли яқин бўлган хўжалик танланади.

16. Сўровнома кўрсаткичларини тўлдиришда, унга киритилган барча кўрсаткичларнинг рақамли белгиларини тўла ҳажмда тўғри тўлдирилишига аҳамият бериш керак.

17. **“Қишлоқ хўжалиги экинларининг, мевалар, резаворлар ва узумнинг йиғиб олинган ялпи ҳосили”** кўрсаткичларини тўлдиришда, уларнинг сақлаш учун жойлаштирилганлигидан, озиқ-овқат ёки чорва молларини озиқлантириш учун фойдаланилганлигидан ёки сотилганлигидан қатъий назар, экин ерлари ва боғларнинг барча маҳсулотларини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг, мевалар, резаворлар ва узумнинг йиғиб олинган ялпи ҳосили дастлабки қирим қилинган (физик) вазнда ҳисобга олинади.

18. Кузатиладиган алоҳида экинлар бўйича қуйидагиларни эътиборга олиш зарур:

сабзавотлар бўйича - ёппасига йиғимгача ва ёппасига йиғимдан кейинги қисман йиғимни қўшган ҳолда, очиқ ва ёпиқ ерлардан йиғилгани кўрсатилади;

консервалаш, янги ҳолида озиқ-овқат учун фойдаланилган сут ва сут-мум пишишдаги қанд маккажўхори сўталари ҳам сабзавотлар гуруҳида кўрсатилади;

сабзавот-полиэ экинлари ва пиёз уруғзорлари, сабзавотларнинг ялпи ҳосилига киритилмайди, лекин бир йиллик сабзавотлар қисман (танлаб) уруғлик учун фойдаланилганда, уларнинг ҳосили тўлиғича сабзавотлар гуруҳида кўрсатилади;

маккажўхори хўжаликда фойдаланиш тури бўйича, яъни дон учун ишлаб чиқарилгани – дон экинлари ҳисобида (тўлиқ пишиш давридаги сўталарнинг қуруқ донга қайта ҳисобланган вазни), силос, кўк озуқа (сўталари ва пояси) учун ишлаб чиқарилгани – озуқа экинлари ҳисобида кўрсатилади;

силос, кўк озуқа ва сенаж учун маккажўхори ва бошқа экинлар кўк масса вазнида кўрсатилади;

бир йиллик ўтлар ва ўтган йилларда, ўтган йилнинг кузида ва жорий йилда экилган кўп йиллик ўтлар пичанга айлантирилиб кўрсатилади.

19. **Ёпиқ ерлар** майдонларига иссиқхоналар, парниклар, иситиладиган ерлар ва плёнка остидаги экинлар киради.

Иссиқхоналар қишки ва баҳорги бўлиши мумкин. Қишки иссиқхоналарга, йил давомида фойдаланиладиган, ойна билан қопланган ва бошқа иситиладиган иссиқхоналар ҳамда қишки ва эрта баҳорги даврларда маҳсулот чиқишини таъминловчи плёнка остидаги иситиладиган иссиқхоналар киради. Баҳорги иссиқхоналар табиий йўл билан иситилади.

Парниклар кичик ҳажмли бўлиб, ўсимликларни ташқи муҳит таъсиридан сақлашга мўлжалланган бўлади ва табиий йўл билан иситилади. Парниклар тўлиқ плёнка остида ёки ён томонлари девор билан ўралган ҳамда ерни 0,5-2 метргача қовлаб усти плёнка билан ёпилган бўлиши мумкин.

Иситиладиган ерлар ва плёнка остидаги экинларга, алоҳида майдонларда ёки дала алмашлаб экилишида плёнка (енгил ёки мустаҳкам) билан ёпилган ерлар киради.

Жорий йил ҳосили учун экилган ёпиқ ерлар умумий майдонини аниқлашда, биринчи ҳосил учун экин экишлар (кўчат ўтқазилар) амалга оширилиб, ҳақиқатда фойдаланилган майдон (барча турлардаги иссиқхоналар, парниклар, иситиладиган ерлар ва плёнка остидаги экинлар) ҳисобга олинади. Ёпиқ ерларда иккинчи ва ундан кейинги ҳосил учун экин экилган (кўчат ўтқазилган) майдон эътиборга олинмайди.

Ёпиқ ерлардаги қишлоқ хўжалиги экинларининг ялпи ҳосили алоҳида ҳисобга олинади, шунингдек тегишли экинларнинг умумий ялпи ҳосилига киритилади.

20. “Чорва моллари ва паррандалар бош сони” кўрсаткичини тўлдириш физик бирликда (бошда, асалари оилалари – донада) бутун сонда амалга оширилади.

Хўжаликдаги мавжуд барча қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалар, уларнинг яйловда ёки хўжаликдан ташқари бошқа жойларда бўлишидан қатъий назар, ҳисобга олиниши зарур.

Ўғирланган ёки нобуд бўлган қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалар мавжуд бош сонга киритилмайди. Бошқа хўжаликлардан уларнинг топшириғига асосан сотиш учун қабул қилинган моллар ва паррандалар ҳам ҳисобга олинмайди.

Сигирлар сонига, асосий подадаги сут ва гўшт йўналишидаги, сутдан чиққан, қисир, озиклантирувчи сигирларнинг барчаси киритилиши зарур. Сигирлар сонига бўрдоқиллаш ёки яйловда боқиш (семиртириш) учун ўтказилган сигирлар қўшилмайди.

21. “Ишлаб чиқарилган гўшт, тирик вазнда” кўрсаткичини тўлдиришда, ҳам сўйиш учун сотилган, ҳам ўз хўжалигида сўйилган барча қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларнинг тирик вазни ҳисобга олинади. Келгусида такрор ишлаб чиқариш учун сотилган ёш моллар, сўйиш учун сотиш ҳажмига киритилмайди.

22. Сут ишлаб чиқариш, ёш молларга ичириш учун соғиб олинган сут ва оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сигир, эчки, қўй, бия ва туя сутлари билан аниқланади, бузоқлар эмган сут ялпи ишлаб чиқаришга киритилмайди.

23. Тухум ишлаб чиқариш, барча турдаги паррандалардан олинган (синган, бузилган ва шунга ўхшашларни қўшган ҳолда) ҳамда курк товуклар билан ва инкубаторда жўжа очиш учун сарфланган тухумларни ўз ичига олади.

24. Жун ишлаб чиқариш, хўжаликнинг ички эҳтиёжларига сарфлангани ҳамда жунни сақлаш ва ташиш жараёнида йўқотилганини қўшган ҳолда, қўй, эчки, туялардан ҳақиқатда қирқиб олинган натура вазндаги (қирқиб олингандан кейинги вазнда) барча жунларни ўз ичига олади, бунга туллаш жуни, эчки тивити ҳамда такрорий қирқиб олинган жунлар ҳам қўшилади.

25. Қоракўл тери ишлаб чиқариш, уч кунлигида сўйилган қоракўл зотли қўзиларнинг териларини ўз ичига олади, бунда асосий маҳсулот қоракўл тери ҳисобланади, олинган гўшт эса сўйиш учун сотиш ҳажмига қўшилмайди.

26. **Асал ишлаб чиқариш**, асаларилар томонидан йиғилган, ҳам уялардан чиқариб олинган, ҳам асалариларга қишки-бахорги даврларда озуқа учун қолдирилган асал миқдорини ўз ичига олади.

27. **Балиқчилик маҳсулот**и табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан овланган балиқ маҳсулотлари миқдори билан аниқланади.

V. Маълумотларни қайта ишлаш

28. Кузатув натижасида олинган ахборотлар, стандарт дастурий воситаларни қўллаш орқали қайта ишланади.

29. Интервьюер, сўров яқунланиши билан сўровнома маълумотларини дастурий таъминотга киритади, арифметик ва мантиқий хатолар йўқлигини текширади.

30. Маълумотларни киритиш ва киритилган маълумотларни текшириш яқунлангандан сўнг, умумлаштирилган маълумотлар электрон шаклда ҳудудий супервайзерларга юборилади.

Ҳудудий супервайзерлар, интервьюерлардан олинган сўровнома маълумотларини текширгандан кейин, ҳудуд даражасида туманлар ва шаҳарлар кесимида умумлаштирилган натижаларни шакллантирадилар.

VI. Танланма маълумотларни мақсадли жамланмага тарқатиш

31. Хўжаликлар кузатуви натижасида олинган танланма маълумотларни мақсадли жамланмага тарқатиш, туман (шаҳар) даражасида, автоматлаштирилган тарзда Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади (1- ва 2-илова).

Кузатув маълумотларини мақсадли жамланмага тарқатиш учун “**Ўртача бўйича тарқатиш (Z)**” усулидан фойдаланилади.

32. Ҳисоб-китоб сўровномага киритилган ҳар бир кўрсаткич бўйича, тегишли туман (шаҳар) танлов жамланмасининг йиғинди кўрсаткичи билан амалга оширилади (ҳисоб-китоб намунаси 1-ва 2-иловаларда кўрсатилган).

Масалан, “Дон ва дуккакли дон экинларининг йиғилган ялпи ҳосили” (x_1), “Картошканинг йиғилган ялпи ҳосили” (x_2) ва ҳ.к.ларнинг 1 та хўжаликка тўғри келадиган ўртача кўрсаткичи қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$Z = \sum x_1 : n,$$

бу ерда: $\sum x_1$ – биринчи кўрсаткичнинг туман (шаҳар) бўйича йиғинди кўрсаткичи;

n – туман (шаҳар) бўйича танлов жамланмасидаги хўжаликлар сони.

Танлов жамланмаси бўйича ҳисобланган дон ва дуккакли дон экинларининг йиғилган ялпи ҳосилининг 1 та хўжаликка тўғри келадиган ўртача кўрсаткичи мақсадли жамланманинг тегишли кўрсаткичларига тарқатилади.

Кузатув маълумотларини мақсадли жамланмага (G) тарқатиш, танлов жамланмасидаги 1 та хўжаликка тўғри келадиган ўртача кўрсаткични (Z) мақсадли жамланмадаги хўжаликлар сонига (N) кўпайтириш йўли билан амалга оширилади:

$$G = Z \times N$$

VII. Маълумотларни таққослаш

33. Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги фаолияти кузатувлари натижалари, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича чораклик ва йиллик яқунларини амалга оширишда яъни умумлаштирилган кўринишда дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларини тоифасида ҳисобга олинади.

34. Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича чораклик ва йиллик яқунларда фойдаланиладиган кузатув маълумотларининг ҳаққонийлигини таъминлаш учун, кузатув натижалари қуйидагича таққосланади:

1-DX shakli, йилда 2 марта (1 июль ва 1 январь ҳолатига) «Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларини фаолияти тўғрисида ҳисобот» йиллик ва ярим йиллик давлат статистика ҳисоботлари маълумотлари билан;

тегишли туман (шаҳар)даги дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarининг ўтган даврлар учун йиғма маълумотлари билан;

туман (шаҳар) бўйича кузатувга киритилган ҳар бир кўрсаткичнинг камида ўтган

3 йиллик динамикаси билан;

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари маълумотлари билан таққосланади.

VIII. Яқуний қондалар

35. Ушбу услубий низом бузилишида айбдор бўлган давлат статистика ходимлари белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
танланма кузатувини ташкил этиш
ва ўтказиш бўйича услубий низомга
1-ИЛОВА

Юридик шахс ташкил этган дехқон хўжаликлари кузатуви натижасида
олинган танланма маълумотларни тарқатиш бўйича
ҳисоб-китоб намунаси

Намуна шартли

Т.р.	(х), сўровномадаги кўрсаткичлар рўйхати	(N), мақсадли жамланмадаги (G) хўжаликлар сони	(n), танлов жамланмасидаги хўжаликлар сони (G дан 10,0%)	(Σx1), танлов жамланмасидаги кўрсаткичларнинг йиғинди кўрсаткичи	(Z), 1 та хўжаликка тўғри келадиган ўртача кўрсаткич (Z = Σx1 : n)	G = Z x N, мақсадли жамланмадаги кўрсаткичларнинг йиғинди кўрсаткичи
1	Дон ва дуккакли дон экинлари, жами, соток	50	5	20	4	200
2	Дон ва дуккакли дон экинлари, жами, кг	50	5	500	100	5 000
3	Мевалар ва резаворлар-жами, соток	50	5	20	4	200
4	Мевалар ва резаворлар-жами, кг	50	5	3 000	600	30 000
5	Токзорлар, соток	50	5	20	4	200
6	Узум, кг	50	5	3 600	720	36 000
7	Йирик шохли қорамоллар-жами, бош	50	5	100	20	1 000
8	Асалари оилалари, дона	50	5	10	2	100
9	Сўйиш учун етиштирилган моллар ва паррандалар, тирик вазнда, центнер	50	5	10	2	100
10	Олинган тухум-жами, дона	50	5	25 00	500	25 000

Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
танланма кузатувини ташкил этиш
ва ўтказиш бўйича услубий низомга
2-ИЛОВА

Юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари кузатуви натижасида
олинган танланма маълумотларни тарқатиш бўйича
ҳисоб-китоб намунаси

Намуна шартли

Т.р.	(х), сўровномадаги кўрсаткичлар рўйхати	(N), мақсадли жамланмадаги (G) хўжаликлар сони	(n), танлов жамланмасидаги хўжаликлар сони (G дан 0,25%)	(Σx1), танлов жамланмасидаги кўрсаткичларнинг йиғинди кўрсаткичи	(Z), 1 та хўжаликка тўғри келадиган ўртача кўрсаткич (Z = Σx1 : n)	G = Z x N, мақсадли жамланмадаги кўрсаткичларнинг йиғинди кўрсаткичи
1	Дон ва дуккакли дон экинлари, жами, соток	4 000	10	20	2	8 000
2	Дон ва дуккакли дон экинлари, жами, кг	4 000	10	500	50	200 000
3	Мевалар ва резаворлар-жами, соток	4 000	10	20	2	8 000
4	Мевалар ва резаворлар-жами, кг	4 000	10	3 000	300	1 200 000
5	Токзорлар, соток	4 000	10	20	2	8 000
6	Узум, кг	4 000	10	3 600	360	1 440 000
7	Йирик шохли қорамоллар-жами, бош	4 000	10	100	10	40 000
8	Асалари оилалари, дона	4 000	10	20	2	8 000
9	Сўйиш учун етиштирилган моллар ва паррандалар, тирик вазнда, центнер	4 000	10	10	1	4 000
10	Олинган тухум-жами, дона	4 000	10	5 000	500	2 000 000

ПРИЛОЖЕНИЕ
к постановлению Государственного комитета
Республики Узбекистан по статистике
от «25» декабря 2017 г. № 5

**Методические положения
по организации и проведению выборочного обследования
дехканских (личных подсобных) хозяйств**

Настоящие Методические положения являются комплексным документом, содержащим порядок формирования выборочной совокупности дехканских (личных подсобных) хозяйств (с образованием юридического лица и без образования юридического лица) для организации статистического наблюдения за их сельскохозяйственной деятельностью, механизмом распространения выборочных данных на целевую совокупность и применения результатов обследования в расчетах итогов социально-экономического развития Республики Узбекистан по отрасли сельского хозяйства за I и III кварталы соответствующего года.

Методические положения определяют механизм сбора оперативных данных для формирования информации о размерах земельных площадей, поголовье скота и птицы, объемах производства продукции растениеводства и животноводства в натуральном выражении, сельскохозяйственной деятельности дехканских (личных подсобных) хозяйств.

Механизм проведения обследования изложен в последовательности, соответствующей этапам организации и проведения выборочного обследования (далее - обследования) и предназначен для получения органами государственной статистики достоверных статистических данных, позволяющих провести расчеты производства продукции растениеводства и животноводства в отчетном периоде.

При разработке настоящих Методических положений использованы нормативно-правовые акты Республики Узбекистан в сфере землепользования и сельского хозяйства, а также рекомендации Продовольственной и сельскохозяйственной организации ООН (FAO) и опыт стран СНГ.

Законодательной основой для проведения обследования являются статьи 6 и 11 Закона Республики Узбекистан «О государственной статистике», Программа государственных статистических работ, ежегодно утверждаемая Кабинетом Министров Республики Узбекистан.

I. Общие положения

1. Организация и проведение обследования осуществляется на республиканском и территориальном уровнях.

2. Обследование проводится 2 раза в год, в марте и сентябре месяце во всех регионах республики согласно Программы государственных статистических работ и Производственной программы государственных статистических работ.

3. Обследование основывается на непосредственном опросе (интервьюировании) глав или членов хозяйств с использованием анкеты по формам 1-DХК “Анкета выборочного обследования деятельности дехканского хозяйства с образованием юридического лица” и 2-DХК “Анкета выборочного обследования деятельности дехканского хозяйства без образования юридического лица” и строится на принципах добровольного участия в нем отобранных хозяйств.

4. Заполнение анкеты осуществляется в период обследования, непосредственно, специалистами органов государственной статистики.

II. Формирование выборочной совокупности

5. Единицей наблюдения являются дехканские хозяйства с образованием юридического лица и дехканские хозяйства без образования юридического лица.

В целях формирования выборки с необходимым уровнем достоверности в качестве основы выборки (целевой совокупности) используются число дехканских хозяйств с образованием юридического лица и дехканских хозяйств без образования юридического лица.

При формировании выборочной совокупности дехканских хозяйств без образования юридического лица в целевую совокупность включаются только хозяйства, имеющие земельные участки в пользовании.

6. Формирование выборочной совокупности осуществляется Государственным комитетом по статистике и доводится до территориальных органов статистики.

7. Формирование выборочной совокупности дехканских хозяйств с образованием юридического лица:

На первом этапе, формируются списки дехканских хозяйств с образованием юридического лица (целевая совокупность) в разрезе каждого района (города) на основе сведений из Единого государственного регистра предприятий и организаций по состоянию на 1 января.

На втором этапе, формирование выборочной совокупности дехканских хозяйств с образованием юридического лица осуществляется методом простой случайной выборки по каждому району (городу).

8. Выборочная совокупность за год охватывает по каждой территории 20,0 процентов хозяйств, включенных в целевую совокупность (по 10,0 процентов в марте и сентябре месяце).

9. Формирование выборочной совокупности дехканских хозяйств без образования юридического лица:

На первом этапе, для отбора сходов граждан махаллей используются данные государственной статистической отчетности по форме 1-DX shakli «Отчет о деятельности дехканских (личных подсобных) хозяйств» по состоянию на 1 января.

На втором этапе, определяется число хозяйств по каждому району (городу) в разрезе сходов граждан махаллей, попавших в список на первом этапе.

При определении числа хозяйств используются данные государственной статистической отчетности по форме 1-DX shakli «Отчет о деятельности дехканских (личных подсобных) хозяйств» по состоянию на 1 января.

На третьем этапе, отбираются сходы граждан махаллей, попавшие в список на первом этапе для проведения выборочных обследований.

На четвертом этапе, определяется число хозяйств (выборочной совокупности), попавших в список сходов граждан махаллей на третьем этапе для проведения выборочных обследований.

10. Выборочная совокупность за год охватывает по (району (городу) и сходу граждан махаллей) каждой территории 0,5 процентов хозяйств, включенных в целевую совокупность на втором этапе (по 0,25 процентов в марте и сентябре месяце).

11. Каждое включенное в выборку дехканское хозяйство с образованием юридического лица, сход граждан махаллей, дехканское (личное подсобное) хозяйство обследуются только один раз в год, т.е. опрашиваются или в марте, или в сентябре.

12. Обследование проводится в следующей последовательности:

1-этап. Подготовительные работы.

2-этап. Проведение опросов.

3-этап. Обработка данных.

III. Подготовительные работы

13. Проведение подготовительных мероприятий и мониторинга обследования в установленные Программой государственных статистических работ и Производственной программой государственных статистических работ сроки, обеспечивается Управлениями статистики Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента.

Подготовительные работы включают в себя следующее:

а) назначение супервайзеров - на уровне Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента;

б) обучение и инструктаж интервьюеров, отобранных из числа работников районных (городских) органов статистики по следующим направлениям:

разъяснение целей и задач обследования;

ознакомление с порядком отбора дехканских хозяйств с образованием юридического лица, сходов граждан махаллей и дехканских (личных подсобных) хозяйств;

изучение регламента проведения обследования сельскохозяйственной деятельности дехканских хозяйств с образованием юридического лица и дехканских хозяйств без образования юридического лица, программы обследования и процедуры сбора данных.

в) планирование сбора данных среди обследуемых хозяйств.

14. Планирование сбора данных (планирование посещений) осуществляется интервьюерами по согласованию с соответствующим дехканским хозяйством с образованием юридического лица, сходом граждан махаллей и дехканским (личным подсобным) хозяйством, при этом глава дехканского хозяйства с образованием юридического лица, схода граждан и дехканского (личного подсобного) хозяйства информируется о целях, задачах данного обследования и о том, что данное дехканское хозяйство с образованием юридического лица, сход граждан махаллей и дехканское (личное подсобное) хозяйство попало в план выборки обследования и на его основе подготавливается График посещений.

График посещений на каждый период посещений согласовывается с супервайзером и утверждается начальником районного (городского) отдела статистики.

IV. Проведение опросов

15. Опрос проводится по установленному числу дехканских хозяйств с образованием юридического лица, сходов граждан махаллей и дехканских (личных подсобных) хозяйств в районе (городе).

При посещении интервьюер для получения ответов на вопросы определяет респондента (которым может быть глава или при его отсутствии по уважительной причине, компетентный член хозяйства).

После получения согласия респондента на участие в обследовании интервьюер приступает к проведению опроса.

Интервьюер, проводящий опрос должен заполнять и проверять анкету по форме 1-ДХК “Анкета выборочного обследования деятельности дехканского хозяйства с образованием юридического лица” и 2-ДХК “Анкета выборочного обследования деятельности дехканского хозяйства без образования юридического лица”, находясь в обследуемом хозяйстве. Какое либо исправление и изменение записей без ведома хозяйства запрещается.

В случае отказа респондента от участия в анкетировании, возможно проведение замены хозяйства, попавшего в выборку, так как от степени искренности и точности ответов на вопросы анкеты зависит правильность и достоверность полученной информации. По возможности отбираются хозяйства с такой же, как и у заменяемого хозяйства, вероятностью или наиболее близкой к ней по величине.

16. При заполнении показателей анкеты необходимо обращать внимание на правильность заполнения в полном объеме цифровых значений всех включенных в неё показателей.

17. При заполнении показателя **«валовой сбор урожая сельскохозяйственных культур, плодов, ягод и винограда»** следует включать всю продукцию посевов и сада, независимо от того, была ли она заложена на хранение, использована в пищу или на корм скоту или продана.

Валовой сбор урожая всех сельскохозяйственных культур, плодов, ягод и винограда учитывается в первоначально оприходованном (физическом) весе.

18. По отдельным отслеживаемым культурам, необходимо иметь в виду следующее:

по овощам - указывается сбор с открытого и закрытого грунта, включая частичный сбор до и после массовой уборки;

початки сахарной кукурузы молочной и молочно-восковой спелости для консервирования, использования в свежем виде на продовольствие также указываются в группе овощей;

семенники овощебахчевых культур и лука, как правило, не включаются в валовой сбор овощей, однако при частичном (выборочном) использовании однолетних овощей на семена их продукция полностью показывается в группе овощей;

кукуруза указывается по видам хозяйственного назначения, т.е. произведенная на зерно – в числе зерновых культур (вес початков в стадии полной спелости в пересчете на сухое зерно), произведенная на силос, зеленый корм (початки и стебли) – в числе кормовых культур;

кукуруза и другие культуры на силос, зеленый корм и сенаж указываются в весе зеленой массы;

однолетние травы и многолетние травы посева прошлых лет, осени прошлого года и текущего года указываются в переводе на сено.

19. К площадям **закрытого грунта** относятся теплицы, парники, утепленный грунт и посевы под пленкой.

Теплицы могут быть зимними и весенними. К зимним относятся остекленные и другие обогреваемые теплицы, используемые в течение круглого года, а также обогреваемые теплицы под пленкой, обеспечивающие выход продукции в зимний и ранне-весенний периоды. Весенние теплицы обогреваются естественным путем.

Парники бывают небольшого размера, предназначенные для защиты растений от воздействий внешней среды, и обогреваются естественным путем. Парники могут быть полностью под плёнкой, либо ограждены стеной, либо земля выкопанная от 0,5 до 2 метра и сверху покрыты пленкой.

К утепленному грунту и посевам под пленкой относятся утепленные гряды и простейшие пленочные укрытия на отдельных участках или в полевых севооборотах.

При определении общей площади защищенного грунта под урожай текущего года, учитывается фактически используемая площадь (теплицы всех видов, парники, утепленный грунт, посевы под пленкой), на которой произведены посевы (посадки) под первый оборот. Площадь защищенного грунта для посева (посадки) под второй и последующие обороты во внимание не принимается.

Валовой сбор сельскохозяйственных культур в закрытом грунте указывается отдельно, а также включается в общий валовой сбор урожая соответствующих культур.

20. Заполнение показателя **«поголовье скота и птицы»** осуществляется в физических единицах (головах, семьи пчел – в штуках) в целых числах.

Учету подлежат все виды сельскохозяйственных животных и птиц, имеющиеся в учете хозяйства, независимо от того, находится скот в отгоне на пастбищах или в другом месте вне хозяйства.

В наличное поголовье не включаются сельскохозяйственные животные и птица, похищенные или погибшие. Также не учитываются сельскохозяйственные животные и птица, принятые от других хозяйств на реализацию по их поручению.

К числу коров следует относить всех коров молочного и мясного направления основного стада, сухостойных и яловых коров, коров-кормилиц. К числу коров не включаются коровы, переведенные на откорм или нагул.

21. При заполнении показателя **«произведено мяса, в живом весе»** включается живой вес всех сельскохозяйственных животных и птиц, как проданных для убой, так и забитых в своем хозяйстве. Молодняк скота, реализованный для дальнейшего воспроизводства в объем реализации на убой не включается.

22. **Производство молока** определяется фактически надоенным коровьим, козьим, овечьим, кобыльим и верблюжьим молоком, включая надоенное молоко и молозиво, израсходованное на выпойку молодняка, молоко, высосанное телятами, в валовое производство не включается.

23. **Производство яиц** включает количество яиц, полученных от всех видов птиц (включая бой, порчу и т.п.), а также яйца, израсходованные на вывод цыплят наседками или в инкубаторе.

24. **Производство шерсти** включает всю фактически настриженную шерсть в натуральном весе (в весе после стрижки) с овец, коз, верблюдов, включая шерсть, использованную на внутривладельческие нужды, а также потери настриженной шерсти

при хранении и транспортировке, сюда же включается шерсть-линька, козий пух, а также шерсть повторной стрижки.

25. **Производство каракульских шкурок** включает шкурки забитых трехдневных ягнят каракульских пород, при этом, основным продуктом считаются каракульские шкурки, а полученное мясо в реализацию на убой не включается.

26. **Производство меда** включает количество меда, собранного пчелами, как вынутого из ульев, так и оставленного на корм пчелам в зимне-весенний период.

27. **Продукция рыбоводства** определяется массой выловленной товарной рыбы из естественных и искусственных водоемов.

V. Обработка данных

28. Информация, полученная в результате обследования, обрабатывается с применением стандартных программных средств.

29. По мере завершения опроса интервьюер вводит данные анкет в программное обеспечение, проверяет на отсутствие арифметических и логических ошибок.

30. После завершения ввода и проверки введенных данных, сводные итоги в электронном виде направляются территориальным супервайзерам.

Территориальные супервайзеры после проверки полученных анкетных данных от интервьюеров формируют сводные итоги на региональном уровне в разрезе районов (городов).

VI. Распространение выборочных данных на целевую совокупность

31. Распространение выборочных данных, полученных по результатам обследования хозяйств на целевую совокупность, производится автоматизировано (приложение 1 и 2) на уровне района (города) с использованием специального программного обеспечения, разработанного Госкомстатом.

Для распространения данных обследования на целевую совокупность используется метод «**Распространение по средней (Z)**».

32. Расчет осуществляется по каждому показателю, включенному в анкету по суммарным значениям выборочной совокупности соответствующего района (города) (пример расчета указан в приложении 1 и 2).

Например, «Валовой сбор урожая зерновых и зернобобовых культур» (x1), «Валовой сбор урожая картофеля» (x2) и т.д. рассчитываются среднее значение на 1 хозяйство по формуле:

$$Z = \Sigma x1 : n,$$

где: $\Sigma x1$ – суммарное значение первого показателя по району (городу);

n - число хозяйств в выборочной совокупности по району (городу).

Рассчитанное по выборочной совокупности среднее значение валового сбора урожая зерновых и зернобобовых культур на 1 хозяйство распространяется на соответствующие показатели в целевой совокупности.

Распространение выборочных данных на целевую совокупность (G) производится путем умножения среднего значения на 1 хозяйство в выборочной совокупности (Z) на число хозяйств в целевой совокупности (N):

$$G = Z \times N$$

VII. Сопоставление данных

33. Результаты обследования сельскохозяйственной деятельности дехканских (личных подсобных) хозяйств учитываются при подведении квартальных и годовых итогов социально-экономического развития Республики Узбекистан по отрасли сельского хозяйства, т.е. в обобщенном виде в категории дехканских (личных подсобных) хозяйств.

34. Для обеспечения достоверности применяемых данных обследования в квартальных и годовых итогах по отрасли сельского хозяйства результаты обследования сопоставляется:

с данными годовой и полугодовой государственной статистической отчетности 1-DX shakli 2 раза в год (по состоянию на 1 июля и 1 января) «Отчет о деятельности дехканских (личных подсобных) хозяйств»;

со сводными данными о деятельности дехканских (личных подсобных) хозяйств соответствующего района (города) за предыдущие периоды;

с динамикой каждого включенного в обследование показателя по району (городу) не менее чем за 3 предыдущих года;

с данными территориальных подразделений Государственного комитета по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственного кадастра.

VIII. Заключительные положения

35. Сотрудники государственной статистики несут ответственность в установленном порядке за нарушение (искажение) данного методологического положения.

ПРИЛОЖЕНИЕ № 1
к Методическим положениям по организации
и проведению выборочного обследования
дехканских (личных подсобных) хозяйств

**Пример расчета
по распространению выборочных данных, полученных по результатам
обследования дехканских хозяйств с образованием юридического лица**

Пример условный

№пп	(х), перечень показателей в анкете	(N), число хозяйств в целевой совокупности (G)	(n), число хозяйств в выборочной совокупности (10,0% от G)	(Σx1), суммарное значение показателей в выборочной совокупности	(Z), среднее значение на 1 хозяйство (Z = Σx1 : n)	G = Z x N, суммарное значение показателей в целевой совокупности
1	Зерновые и зернобобовые культуры, всего, гектар	50	5	20	4	200
2	Зерновые и зернобобовые культуры, всего, центнер	50	5	5 00	100	5 000
3	Плоды и ягоды - всего, гектар	50	5	20	4	200
4	Плоды и ягоды - всего, центнер	50	5	3 000	600	30 000
5	Виноградники, гектар	50	5	20	4	200
6	Виноград, центнер	50	5	3 600	720	36 000
7	Крупный рогатый скот - всего, голов	50	5	100	20	1 000
8	Пчелосемьи, штук	50	5	10	2	100
9	Произведено скота и птиц для убоя, в живом весе, центнер	50	5	10	2	100
10	Получено яиц - всего, штук	50	5	2 500	500	25 000

ПРИЛОЖЕНИЕ № 2

к Методическим положениям по организации
и проведению выборочного обследования
дехканских (личных подсобных) хозяйств

Пример расчета
по распространению выборочных данных, полученных по результатам
обследования дехканских хозяйств без образования юридического лица

Пример условный

Т.р.	(х), перечень показателей в анкете	(N), число хозяйств в целевой совокупности (G)	(n), число хозяйств в выборочной совокупности (0,25% от G)	(Σx1), суммарное значение показателей в выборочной совокупности	(Z), среднее значение на 1 хозяйство (Z = Σx1 : n)	G = Z x N, суммарное значение показателей в целевой совокупности
1	Зерновые и зернобобовые культуры, всего, соток	4 000	10	20	2	8 000
2	Зерновые и зернобобовые культуры, всего, кг	4 000	10	500	50	200 000
3	Плоды и ягоды - всего, соток	4 000	10	20	2	8 000
4	Плоды и ягоды - всего, кг	4 000	10	3 000	300	1 200 000
5	Виноградники, соток	4 000	10	20	2	8 000
6	Виноград, кг	4 000	10	3 600	360	1 440 000
7	Крупный рогатый скот - всего, голов	4 000	10	100	10	40 000
8	Пчелосемьи, штук	4 000	10	20	2	8 000
9	Произведено скот и птиц для убоя, в живом весе, кг	4 000	10	10	1	4 000
10	Получено яиц - всего, штук	4 000	10	5 000	500	2 000 000